

ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУЛАРДАН Фойдаланишнинг оптимал йўллари

Alisher Mukhtorovich Mukhtorov

"Real soft" MChJ bosh dasturchisi

alishermuxtarov@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада олий таълим муассасалари ва техникумларда мавжуд фанлардан мукамал билим ва кўникмаларни ўзлаштиришлари учун мустақил иш соатларидан турли услуб ва воситаларни қўллаб самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида маълумот берилган. Шунингдек, мустақил ишни ташкил этишда талабаларнинг индивидуал қобилиятлари ва фан хусусиятларини эътиборга оладиган ўқув – услубий воситалар, усуллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш, уларни амалда қўллаш, турдош ва турли мақомдаги билим юртлари ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш, илғор ишлаб чиқариш корхоналари ресурсларидан фойдаланиш яхши натижалар бериши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: дидактик аспектлар, электрон дарслик, назарий материал, аудиовизуал воситалар.

ABSTRACT

The article highlights the importance of effective use of independent working hours using a variety of methods and tools to acquire excellent knowledge and skills in existing disciplines in higher education institutions and technical schools. It is also important to develop teaching aids, methods and recommendations that take into account the individual abilities and scientific characteristics of students in the organization of independent work, their application in practice, the development of cooperation between related and different institutions, the use of resources of advanced enterprises is suspended.

Keywords: didactic aspects, electronic textbook, theoretical material, audiovisual means.

КИРИШ

Олий таълим ва техникум талабаларининг ҳар бир фандан мукаммал билим олиб, малакали мутахассислар бўлиб етишишида ўқув режаларида белгиланган мустақил иш соатларидан турли услуб ва воситаларни қўллаб самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Мустақил ишни ташкил этишда талабаларнинг индивидуал қобилиятлари ва фан хусусиятларини эътиборга оладиган ўқув – услубий воситалар, усуллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш, уларни амалда қўллаш, турдош ва турли мақомдаги билим юртлари ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш, илғор ишлаб чиқариш корхоналари ресурсларидан фойдаланиш яхши натижалар беради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Таълим сифатига юқори талаблар қўйилаётган бугунги кунда талабаларда анъанавий усулларда таълим олишга қизиқиш камайиб бормоқда. Уларни турли усулларда қизиқарли ва кўргазмали воситалардан фойдаланиб билим олишга фаол жалб қилиш имкониятлари йилдан – йилга ортиб бормоқда. Касб – ҳунар техникумлар ҳозирга пайтда замонавий электрон ўқитиш воситаларига эга бўлишига қарамасдан, улардан фойдаланиш самарадорлиги анча паст.

Илғор ўқув юртлари замонавий компьютер технологияларидан унумли фойдаланиб, таълим сифатини оширишга эришмоқда. Компьютер техникасини замонавий даражаси интернетни ривожланиши ўқитиш жараёнига йўналтирилган, зарурий услубий, дастурий ва техник воситалар билан таъминланган замонавий ахборот технологиялари мажмуаси тушуниладиган информацияли – ўқитиш муҳити яратиш учун кенг имкониятлар яратади.

Ўқитишни умумий қонуниятларига доир дидактик аспектлар ва у ёки бу аниқ фан ёки фанлар гуруҳини ўқитиш хусусиятларини услубий аспектлари ўзаро ва электрон дарсликни дастурий таъминоти масалалари билан узвий боғланган.

Информацияли – ўқитиш муҳитини шакллантириш воситаларидан бири бу фанлар бўйича электрон ўқув – услубий мажмуа яратиш ҳисобланади. Электрон ўқув – услубий мажмуанинг асосий компонентлари қуйидагилар ҳисобланади:

Навигатор – дастур сервис функциялари ва ташкилий ишларни бажаради, яъни фойдаланувчини қайд қилиш, ўрганилаётган фан тўғрисида ахборот маълумотлари, ўрганувчилар ишини кузатиш, таълим натижаларини қайд этиш.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Электрон ўқув дастури – матн, статик ва динамик тасвирларни ўз ичига оладиган яхлит мантикий структурага бирлашган ўзаро боғлиқ хужжатлар тўпламидан иборат.

Автоматлаштирилган лаборатория практикуми.

Билимни тестлаштириш ва назоратдан ўтказиш тизими.

Электрон ўқув – услубий мажмуанинг энг асосий элементи дарслик ва электрон тренажер функциясини бажарувчи ўқув қўлланмаси ҳисобланади. У модул тизимига эга бўлиб, модуллар бир – бирига боғланган. Билим ва мавзуларга кириш курснинг барча мавзуларини иерархик тизим шаклида тасвирловчи «Мазмун» асбоби ёрдамида бажарилади.

Ўқув қўлланма таркиби:

- назарий материал;
- ўрганилаётган фан бўйича намунавий машқ ва масалалар ечими босқичма – босқич келтирилган, билим ва кўникма берувчи практикум;
- курсни ўрганиш бўйича услубий тавсиялар.

Ҳар бир модул унга расмлар, жадваллар, графиклар ва бошқа маълумотлар киритилган гиперматнни ўз ичига олади. Зарур бўлса клавиш ёрдамида калькулятор ёки математик пакет чақирилиши мумкин.

Автоматлаштирилган лаборатория практикуми лаборатория ишларини реал физик объектларда ёки моделлаштирувчи дастурлар ёрдамида шаклландиган математик моделларда бажаришни таъминловчи дастурий ва услубий воситалар мажмуасини ташкил этади.

Тестлаштириш тизими фан бўйича оралик ва якуний тест ўтказишга мўлжалланган. У икки асосий қисмдан иборат – тестлар конструктори ва интерпретатор – дастур.

Тестлар конструктори тест топшириқлари тузиш учун мўлжалланган. Интерпретатор – дастур тест топшириқларини генерациялаш, тестни ўтказиш ва натижаларини текширишга хизмат қилади. Тестлаштириш муҳити мустақил ишни қўллаб – қувватлаш, хатога йўл қўйилган жавобларни кўрсатиш ва бажаришни тескари алоқада бўлиб назорат қилиш имконини беради.

Талабаларни мустақил таълим олишида электрон дарслик ёрдамида назарий материалларни етказиб бериш, амалий – тажриба машқ ва топшириқларини бажариб билимни мустаҳкамлаш, ўзлаштириш даражасини текшириш ва назорат қилиш мумкин бўлади. Электрон ўқув – услубий

мажмуадан фойдаланиш таълим сифатини ошириш учун ката имкониятлар яратади. Ахборотларни аудивизуал воситалардан фойдаланиб яхлит етказиб таълим бериш ўқитишнинг энг жадал шаклларида хисобланади. Етакчи мутахассис томонидан дидактик тайёрланган ўқув материали талабаларнинг индивидуал хусусиятларига йўналтирилади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, информацияли – ўқитиш воситаларидан масофада туриб ҳам фойдаланиш мумкин. Ишлаб чиқилган материаллардан фойдаланиш талабаларнинг мустақил ишлари самарадорлигини оширади ва шунинг билан бирга ўқитувчи ишини енгиллаштиради.

Ўқув – услубий мажмуалар яратиш ва қўллаш табиий ёки касбий фанлар бўйича талабаларни мукамал билим олишларига замин яратади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». -Т.: Шарқ, 1997.
2. Ахборотлаштириш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. -Т.: 1993. 7-май.
3. Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасини ахборотлаштириш контсептсияси. Лойиҳа. Ўзбекистон «Ўқитувчи» 2004. 9 апрел.
- 4.«Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникатсия технологияларни жорий етиш чора- тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200- сонли қарори.
- 5."2001-2005 йилларда компютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш. "Интернет" нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил етиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23. 05. 2001 йилдаги қарори.
- 6.Ахборот тизимлари ва технологиялари: Олий о'қув юртлари талабалари учун дарслик //Муаллифлар жамоаси: С.С.Ғуломов, Р.Х.Алимов, Х.С.Лутфуллаев ва бошқалар - Тошкент.: «Шарқ». 2000.